# ОТ МИНГАННИНГ БАРЧАСИ ЧАВАНДОЗ БЎЛАВЕРМАЙДИ

Фарғона вилояти фаоллари билан суҳбатда мамлакатимиз Президенти қишлоқ хўжалигини юксалтириш, бу борада бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, оддий меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўриш каби масалалар билан бир қаторда қишлоққа саноатни олиб кириш муаммолари ҳақида ҳам куйиниб гапирдилар. Негаки, саноатнинг, кичик ва катта-катта завод ва фабрикалар, цех ва корхоналарнинг қишлоққа кириб келиши узоқ йиллар қалашиб ётган муаммоларни бартараф этишнинг оқилона йўли эканлиги кўриниб қолди. Вилоят ва туманларимизнинг чекка қишлоқларига бугун ана шундай индустриал тармоқ кириб келмоқда ва у қишлоқ аҳли ҳаётини тубдан ўзгартираётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Телевизордаги бу суҳбатни тинглар эканман, «Бизнес-фонд»нинг Навоий вилояти бошқармаси мониторинг бўлими бошлиғи Убайдулла Тешабоевнинг гаплари ёдимга тушди. У мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлардан мамнун бўлиб гапирди. Айниқса, саноатнинг қишлоқ ва овулларга кириб бориши, деҳқон ва чорвадорлар ҳам тадбиркорлик билан шуғулланаётганлигини айтар экан, мустақиллигимизга қайта-қайта шукроналар келтирди. Ўзининг Қарши чўлларида узоқ йиллар меҳнат қилганлиги, афсуски, ўша даврларда (шўро замонида — Э. Б.) бундай ишларни амалга ошириш учун имкон ҳам, имтиёз ҳам бўлмаганлигига таассуфлар билдирди.

— Ҳозирги кунда имкон ва имтиёзлар узоқни ўйлаб иш кўрганга очилдастурхондир, — дейди Убайдулла ака. — Имкон шуки, хоҳлаган киши тадбиркорлик билан шуғулланиши, шундан элу юртига, оиласига тўкинлик олиб келиши мумкин. Имтиёз шуки, тадбиркорлик тизими лойиҳасини тузса, келажак режа ва мақсадларини аниқлаб олса, давлат унга имтиёзли кредитлар ажратмоқда, солиқ ва бошқа тўловлардан маълум муддатга озод қилмоқда. Тадбиркор учун, каттами, кичикми, бизнес билан шуғулланувчилар учун бундан ортиқ имтиёз бўлмас!

Дарҳақиқат, республикамиз «Бизнес-фонд» ҳиссадорлик жамияти ва унинг вилоят бошқармаси томонидан 1995 йил октябрдан бошлаб, шу йил майига қадар вилоят бўйича 214 та лойиҳа учун 194,5 млн. сўмдан ортиқ кредит ресурслари ажратилган. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун 24 та лойиҳага 37,7 млн. сўм, деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш учун 133 та лойиҳага 80,6 млн. сўм, қурилиш ва саноатни ривожлантириш учун 9 та лойиҳага 6,1 млн. сўм, маҳаллий саноатни ривожлантириш учун эса 19 та лойиҳага қарийб 50 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилган. Бундан ташқари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш мақсадида ҳам катта миқдорда кредит ресурслари ажратилган.



## ҚИШЛОҚҚА САНОАТ КЕЛДИ

Албатта, бу рақамларни кўриб, унча-мунча одамнинг боши айланиб қолиши, ҳатто «тадбиркорлик иштаҳаси» очилиб кетиши ҳам мумкин. Бироқ амалий ишлар қандай бормоқда? Давлат томонидан берилаётган имтиёзлар ҳавога учиб кетмаяптими?

Биз Навоий шаҳридаги «Спорт моллари» фирмасининг Навоий тумани Қодир Раҳимов жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган ватин ва калава ишлаб чиқариш цехида бўлдик. Фирма директори Асад Рустамовнинг таъкидлашича, цех 1996 йил февраль ойида иш бошлаган. Хўжаликнинг мева қуритиш цехига мўлжалланган биносини 500 мингга сотиб олган. Россиядан ип-йигирув цехи дастгоҳларини 5 млн. 725 минг сўмга, ватин ишлаб чиқариш цехини 200 минг сўмга харид қилишган. Ватин цехининг бир сменадаги ишлаб чиқариш қуввати 3 минг кв. метр, йигирув дастгоҳиники эса 80-100 кг. Биз цехда бўлганимизда фақат ватин ишлаб чиқарилаётган экан.

— *Хомашёни қаердан оласизлар? — сўраймиз цех бошлиғи Исроил Тўраевдан.*

— Хўжаликлардан. Чорвачилик туманлари хўжаликлари билан шартнома тузилган.

— *Қанча маош оласиз?*

— 4-5 минг сўм атрофида.

— *Маҳсулотлар реализацияси қандай бормоқда?*

У елка қисди ва фирма директорига юзланди. Билдикки, унинг вазифаси бошқа экан.

— Бу йил ҳисобидан бир метр ҳам сотганимиз йўқ, — изоҳ берди Асад Рустамов.

— *Калавани-чи?*

— У ҳам омборда турибди. Ҳозир 80 минг кв. метр ватин ва 2,5 тонна калавамиз тайёр. Бир-икки жойдан харидорлар келишди. Аммо олишга пули йўқ. Мол айирбошлашни таклиф қилишяпти.

— *Бу усул маъқул эмасми?*

— Маъқул. Аммо унинг омборида йиллаб ётган молни биз нима қиламиз. Ўтмас мол кимга керак?

— *Сизнинг маҳсулотларингиз ҳам ўтмаётган экан-ку?*

— Насиб қилса, ўтади. Бунинг харидорлари кўп.

— *«Бизнес-фонд»дан қанча кредит олгансиз?*

— 5 млн. 725 минг сўм.

— *Қанча муддатга?*

— Тўрт йилга.

— *Қанчасини қайтардингиз?*

— Ҳали қайтарганимиз йўқ. Кредит фоизининг 1,5 миллионини тўладик, холос.

Ватин цехи эса тинимсиз ишлаяпти. Йигит ва қизлар ҳам ўз вазифаларини чаққонлик ва сезгирлик билан адо этмоқда. Уларнинг барчаси шу яқин атрофдаги қишлоқлардан. Умид ва ишонч уларни шу даргоҳга етаклаб келган. Цех бетўхтов ишлаб турса, хомашё етарли бўлса, маҳсулотларнинг харидорлари кўпайса — уларнинг ошиғи олчи. Бу эса кўп жиҳатдан Асадбекнинг тадбиркорлигига, ишбилармонлигига боғлиқ. Ҳарқалай, унинг ҳам умиди катта, режа ва интилишлари улкан. Цехдан чиқар эканмиз, биз ҳам уларнинг ишига омад тиладик, остонангиздан харидорларнинг оёғи аримасин, дедик.

— Биз хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес соҳиблари фаолиятини мунтазам кузатиб борамиз, — дейди Убайдулла ака. — Шу йил 1 майга қадар 29 марта мониторинг текшириш ўтказилди. Жумладан, ажратилган имтиёзли кредитларни текшириш жараёнида 3 та лойиҳа мақсадсиз ишлатилганлиги аниқланди. Бу сумма 969,3 минг сўмни ташкил қилади. Ҳозирги кунда ушбу кредитларни қайтариш бўйича иш олиб борилмоқда. «Маг», «Бумеранг», «Тутзор», «Феникс», «Алмаз», «Наргиза» каби фирмалар ва кичик корхоналар фаолиятини банкротлик ва санация қўмитаси билан биргаликда текширганимизда ҳам қатор нуқсонлар борлиги аниқланди.

— *Қишлоқ тадбиркорлари билан ишлаш қай аҳволда?*

— Биласизми, халқимизда бир мақол бор: от минганнинг барчаси чавандоз бўлавермайди. Боя сиз «тадбиркорлик иштаҳаси» деган иборани ишлатдингиз. Бу бор гап. Одамлар кўраяптики, тадбиркорларни давлат қўллаб-қувватлаяпти, кўплаб имтиёзлар бераяпти. Сиз айтгандай, бу гапни эшитиб, иштаҳаси очилиб кетади баъзи бировларнинг. Югуриб бизнинг олдимизга келишади. «Ҳа нима гап?» «Кредит беринг, қишлоқда фалон завод очмоқчиман».

Ҳе йўқ, бе йўқ, кеча мактабни тугатган бола ибн Ҳаттоб каби бир юмалаб фермер ёки қурилиш бошлиғи бўлмоқчи. Ёки вино қимматлашса, винзавод, шакар камайса, шакар заводи очмоқчи бўлишади. Пул топгунча, ҳисоб топ, дейдилар. Масалан, Нурота шаҳрида 1996 йил кўн заводи ишга тушди. Заводга 3 млн. 600 минг сўм имтиёзли кредит берилди. Ҳозир завод ишлаб чиққан маҳсулотлар шундайлигича омборда ётибди. Хўш, нега шундай? Биринчидан, бизда маркетинг таҳлили йўқ, иккинчидан, маҳсулотларимизнинг сифати талабга жавоб бермайди. Ёки Навбаҳор туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалигидаги фермер Ҳамид Пўлатовнинг фаолиятига бир назар ташланг. Раҳбарларнинг қистови билан у 5-6 та молини гўштга топшириб юборади. Хўжалик эса шу йили санацияга тушиб қолади. Энди эса қишлоқ тадбиркори молларининг пулини ололмай гаранг. Шу тумандаги «Нуриддин» фермер хўжалиги бозордан мол олади. Уч-тўрт кун ўтгач, моллари бирин-кетин ўла бошлайди. Афсуски, моллар суғурталанмаган эди. Кўраяпсизми, қишлоқ тадбиркори нафақат иқтисодий омилларни билиши, балки ҳуқуқий тафаккурини ҳам юксалтириши керак экан.

Биз вилоят туманларидаги, аниқроғи, қишлоқларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик аъмоллари билан танишар эканмиз, шитоб билан ишлаётган, эл-юртга мўлкўл маҳсулот бераётган корхоналарни ҳам, ҳали ишлари ўлда-жўлда бўлган кичик бизнес соҳибларини ҳам кўрдик. Бу борада ҳали муаммолар сероб. Зеро, ҳаётнинг ўзи муаммосиз бўлмайди. Гап ана шу муаммони қандай йўл ва усул билан бартараф этишда. Ҳарқалай, навоийлик «бизнес-фонд»чиларнинг бу борадаги интилиш ва режаларида зиёбахш нимадир бор. Бизнинг ҳам ниятимиз шуки, ушбу зиё қишлоқ тадбиркорларининг йўлларини ҳамиша нурафшон этиб турсин!

**Парда ЖУМАЕВ,**
**Эсиргап БОЛИЕВ.**

---

### РАСМИЙ ТАШРИФ МУНОСАБАТИ БИЛАН

# БОЛҚОНДАГИ ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

*Болгария ҳақида гап кетганида, мутахассислар унинг иқтисодиёти сўнгги йилларда жадал суръатлар билан ривожланаётганини таъкидлашади. БМТ вакиллари аҳолининг турмуш даражаси, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоиётнинг бошқа соҳаларига киритилаётган хорижий сармоялар бўйича бу мамлакат тобора юқори поғонага кўтарилаётганини қайд этишган.*

Болгария иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири транспорт коммуникацияларидир. Мамлакат катта денгиз, йирик автотранспорт ва темир йўллар кесишадиган ҳудудда жойлашган. Бу борада Болгариянинг, айниқса, Туркия билан чегарадош ҳудудлари анча катта ўрин тутади. Бу ердан Яқин Шарқ, Осиё ва Европани боғлайдиган анъанавий савдо йўллари ўтади. Қора денгиздаги порт ва паромлар ҳам Болгария иқтисодиётига дурустгина фойда келтиради.

Болгарияда молия соҳасида юз бераётган ўзгаришлар ҳам ўзига хос. Ўтган йилнинг ёзида ҳукуматга бўйсунмайдиган Валюта кенгаши тузилди. Ушбу кенгаш тамомила мустақил орган бўлиб, давлат бюджетининг харажатлари, пул қадрсизланиши даражаси ва бошқа муҳим молиявий жараёнларни назорат қилади. Унинг ташкил этилиши билан мамлакатда инфляция суръатларини кескин камайтириш, давлат қарзларини минимал даражага келтиришга эришилди. Кейинчалик кенгаш ташаббуси билан чет эл сармояси ҳақидаги қонунга ўзгартишлар киритилди. Бу эса мамлакатга хориж капитали оқимини кучайтирди.

Молия соҳасидаги ўзгаришлар саноат секторига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Жаҳон бозорида 90-йиллар бошида йўқотилган ўринлар қайта эгаллана бошлади. Ташқи савдода Европа Иттифоқи мамлакатлари ва бошқа Ғарб давлатларининг ҳиссаси тобора ортмоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин: ўтган йили Италия, Греция, Туркияга экспорт ҳажми ўртача 17 фоизга, АҚШга эса 14 фоизга ортди. 1997 йилда мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси 9,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Айни вақтда хориждан маҳсулот олиб кириш камайиб бораётир. Ўтган йилги ташқи савдо натижалари экспортнинг умумий ҳажми импортнинг умумий кўрсаткичидан қарийб 400 миллион АҚШ долларига кўплигини кўрсатди. Бу йил И. Костов ҳукумати ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1997 йилгига нисбатан 4 фоиз юксалтириш режасида.

Болгариянинг ташқи сиёсатидаги ўзгаришларга келсак, улар орасида Шимолий Атлантика Ҳарбий Альянси ва Европа Иттифоқига кириш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиз. Айни кунда ҳар икки тузилма билан муттасил музокаралар давом этмоқда. Иқтисодиётдаги ўзгаришлардан ташқари, ҳарбий соҳадаги ислоҳотларга ҳам эътибор сусайгани йўқ. Оддий қуролли кучлар тўғрисидаги халқаро шартномага мувофиқ мамлакат қуролли кучларининг сафи қисқараётган бўлса-да, ҳарбий техника НАТО андозалари даражасига чиқарилмоқда. Аскар ва офицерларнинг жанговар тайёргарлиги оширилаётир.

Ўзбекистон — Болгария муносабатлари хусусида шуни айтиш мумкинки, икки мамлакат ҳукуматлари ва халқлари ўртасидаги дўстлик билан йўғрилган муносабатлар бугунги кунда янгича асосда ривожланиб бормоқда. Ишбилармонлар даражасидаги мулоқот ва алоқалар ҳам кундан-кун кенгайиб бормоқда. Фикримизнинг тасдиғи учун шу йил бошида юртимизга Болгария ташқи ишлар вазири Надежда Михайлова билан йирик ишбилармонлар гуруҳи ташриф буюрганини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Ушбу ташриф чоғида Н. Михайлова Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинди ва республика ҳукумати вакиллари билан музокаралар ўтказди. Ушбу ташриф асносида ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга асос бўладиган кўплаб таклифлар ўртага ташланди.

23 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Болгарияга расмий ташрифи бошланади. Йўлбошчимизнинг Софияга ушбу сафари давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига, ҳукумат, ишбилармон доиралар, илм-фан, маданият ва санъат вакиллари даражасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янгича руҳда ривож топишига муносиб туртки бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, ҳамкорлик учун ҳар икки мамлакатда ҳам имкониятлар етарли.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

---

### МАРКАЗИЙ БАНКДА

# МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*Республика Марказий банки бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Марказий банк бошқаруви аъзолари, департаментлар директорлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармалари ҳамда республикадаги барча тижорат банклари раислари қатнашди.*

Уни Марказий банк раиси Ф. Муллажонов бошқарди.

Мажлисда Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида эришилган натижалар янада мустаҳкамланди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми ортди. Банклар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида" ҳамда "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунларни ижро этиш, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш, банк тизимида раҳбар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда банк ахборотларини муҳофазалаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, айрим тижорат банклари муассасаларининг иш ҳақи тўловлари бўйича узилишларга йўл қўяётган хўжалик субъектларига иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш борасида етарли амалий ёрдам кўрсатмаётгани айтиб ўтилди. Марказий банкнинг айрим Бош бошқармалари раҳбарлари эса бундай салбий ҳолатларга чек қўйиш юзасидан етарлича чора-тадбирлар кўрмаётгани кескин танқид қилинди ва шундай камчиликларга йўл қўйган банк раҳбарларига нисбатан қатъий жазо чоралари қўлланди.

Шунингдек, мажлисда тижорат банклари раҳбарлари зиммасига ўзларига қарашли банк муассасаларида раҳбар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда салбий ҳолатларнинг олдини олиш, банк тизимини ҳалол ва ишчан раҳбар ходимлар билан тўлдириш, ёш, иқтидорли мутахассисларнинг жаҳондаги нуфузли халқаро молия ташкилотларида малака ошириб қайтишларини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Банк раҳбарларининг эътибори шаҳар ва туманларда бозор иқтисодиёти тузилмаларини шакллантиришга жиддий эътибор бериш, бу борада банкларнинг ролини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигига қаратилди. Шу билан бирга, бу ишда ортиқча расмиятчиликларга чек қўйиш, сансалорликларнинг олдини олиш ҳамда қуйидан чиқаётган ташаббусларни вақтида қўллаб-қувватлаш лозимлиги уқтирилди.

Мажлисда жорий йилда банк тизимининг устувор вазифалари — мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини қисқартириш, устувор тармоқларни қўллаб-қувватлаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, энг муҳими, жорий йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

**(ЎзА)**

---

# АВТОМОБИЛСОЗЛАР УЧУН ОРОМГОҲЛАР

"ЎзДЭУавто"нинг меҳнаткашлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш дастури амалда бажарилмоқда.

Масалан, автомобилсозларнинг фарзандлари бепул йўлланма билан Андижон вилоятининг гўзал масканларида жойлашган учта ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олади. Касаба уюшмасининг ташаббуси билан корхонада ҳар бир смена учун бепул овқатланиш ташкил этилган, одамларни ишга олиб келиш ва уйига олиб бориб қўйиш учун транспорт ажратилган. Улар йилига икки марта коржома ва пойабзал билан таъминланади.

— Бугина эмас, — дейди "ЎзДЭУавто" касаба уюшмаси қўмитаси раиси Мирфозил Алимов. — Оила йилида элликка яқин ходимимиз Ўзбекистон шифохоналари ва дам олиш уйларида саломатлигини мустаҳкамлаб қайтди. Улар йўлланма қийматининг атиги ўн фоизини тўлади, холос. Машинасозлик ва металлургия ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ёрдами билан ёзги дам олишга яна 150 та йўлланма олдик. Бу йил республика шифохоналарига жами 1200 автомобилсозни юборишни режалаштирганмиз.

**К. НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

### Мустақиллик одимлари

# ЯНГИ АСР ЙЎЛИ







***Тиёншон тоғи этагидаги Қамчиқ (денгиз сатҳидан 2268 метр баланд) ва Резак (ундан сал пастроқ) довонларида қурилаётган ер ости йўлларини ўзбек автомобилчиларини йигирма биринчи асрга олиб чиқадиган йўл, дейиш мумкин.***

***Қояларни тешиб ўтиш осон эмаслигини ҳамма билади...***

***Бу — чиройли гапнинг ўзигина эмас. Жаҳондаги етук экспертларнинг башорат қилишларича, янги асрда иқтисодиёти тез юксалиши кутилаётган республикамиз учун бу йўл нақадар муҳим аҳамиятга эга экани барчага аён, албатта.***

***Мамлакатимиз харитасига назар ташласак, республикамизнинг барча минтақаларини гуллаб-яшнаётган гўзал Фарғона водийси билан боғлайдиган ягона йўл — шу йўл экани аён бўлади.***

***Машинада юрганлар республикамиздаги энг баланд довоннинг хусусиятини яхши билишади: қиш бошланиши билан апрель ойининг ўрталарига қадар қорнинг қалинлиги, муз, қорбўроннинг уриб туриши, 40 даражалик совуқ туфайли бу ердан умуман ўтиб бўлмайди, кўклам билан ёзда эса, сел ва кўчки хавфи кучаяди. Кузда ҳам аҳвол бундан яхши бўлмайди, албатта...***

***Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Тошкент — Ўш йўлини Ангрен сув омборидан бошлаб то Фарғона водийси текисликларига қадар қайта қуриш ҳақида қарор қабул қилган, бу қарорда Қамчиқ ва Резак довонларида ер ости йўлларини қуриш ҳам кўзда тутилган эди.***

***1998-1999 йилларда бу ер ости йўллари ишга туширилиши билан улардан ҳар кеча-кундузда 12 мингта машина ўта олади!***

***Узунлиги 891 метрлик Қамчиқ тоннели билан 368 метрлик Резак тоннелининг эни 12,5 метр бўлади ва улардан бир вақтнинг ўзида ҳар икки томонга машиналар қатнайверади.***

***— Энг хавфли жойлар анча тепада қолади, — дейди "Ўзавтойўл" концернининг қурилаётган объектлар дирекцияси бошлиғи ўринбосари Улуғбек Муслимов. — Янги йўл илгаригисидан 87 метр пастда бўлади. Ер ости йўллари қурилгани, сел хавфи бўлган жойларга тўсиқлар қўйилиши ҳамда сел оқимини ўтказиб юборадиган бошқа иншоотлар барпо этилиши туфайли бу йўл жаҳон андозаларига тўла жавоб беради.***

***Бу — республикамизнинг бутун ҳудудида автомобиль ҳаракати хавфсизлиги таъминланади, деган гап!***

***Йўлнинг охири бўлмайди. Ер ости йўлларини барпо этиш, тоғ довонларида янги йўллар қуриш ўзбек автойўлчиларининг одатдаги ишига айланган. Бироқ айни пайтда истиқбол ҳам унутилгани йўқ. Олдинда Буюк Ипак йўлини қайта тиклайдиган, ҳозирча учта мустақил давлатни бир-бири билан боғлайдиган замонавий Андижон — Ўш — Урумчи йўли қурилиши турибди...***

***Янги — XXI аср йўли. У эртанги кунга қараб кетмоқда...***

**Р. ШАГАЕВ.**

---

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

«ЎзДЭУтекстиль» компанияси буюртмаси асосида Охунбобоев туманининг Умаров номли жамоа хўжалиги ҳудудида тўқимачилик корхонаси қурилиши бошланди. Бу ерда 213 та тўқимачилик ва 27 та йигирув асбоб-ускуналари ўрнатилади. Японияда тайёрланган мазкур дастгоҳлар шовқинсиз ишлайди, унумдорлиги эса юқори.

Бугун-эрта бу корхонага янги дастгоҳлар келтирилади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 23 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 55,64 | 1 Норвегия кронаси | 12,07 |
| 1 Австрия шиллинги | 7,24 | 1 Польша злотийси | 26,44 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 152,02 | 10 Португалия эскудоси | 5,00 |
| 10 Бельгия франки | 24,69 | 1 Сингапур доллари | 55,44 |
| 1 Голландия гульдени | 45,19 | 1 СДР | 122,75 |
| 10 Греция драхмаси | 3,00 | 1000 Туркия лираси | 0,35 |
| 1 Дания кронаси | 13,38 | 1 Финляндия маркаси | 16,77 |
| 1 БАА дирхами | 24,88 | 1 Франция франки | 15,19 |
| 1 АҚШ доллари | 91,36 | 1 Швеция кронаси | 11,53 |
| 1 Миср фунти | 26,85 | 1 Швейцария франки | 60,99 |
| 1 Ирландия фунти | 128,27 | 1 ЭКЮ | 100,74 |
| 1 Исландия кронаси | 1,29 | 10 Жанубий Корея вони | 0,66 |
| 10 Испания песети | 6,00 | 10 Япония иенаси | 6,64 |
| 100 Италия лираси | 5,17 | 1 Россия рубли | 14,77 |
| 1 Канада доллари | 62,06 | 1 Украина гривнаси | 44,39 |
| 1 Хитой юани | 11,03 | 1000 Беларусь рубли | 2,49 |
| 1 Қувайт динори | 298,70 | 1 Латвия лати | 152,27 |
| 100 Ливан фунти | 6,04 | 1 Литва лити | 22,84 |
| 1 Малайзия ринггити | 23,09 | 1 Молдава лейи | 19,27 |
| 1 Германия маркаси | 52,94 | 1 Қирғизистон соми | 4,82 |

****/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

